



## МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аманов Аброржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Малака ошириш институти профессори  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19892545>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-aprel 2026 yil  
Ma'qullandi: 27-aprel 2026 yil  
Nashr qilindi: 29-aprel 2026 yil

### KEYWORDS

маҳалла, хавфсиз муҳит,  
ички ишлар органлари,  
ҳуқуқбузарликлар,  
ҳуқуқбузарликлар умумий  
профилактикаси.

### ABSTRACT

*маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг аҳамияти таҳлили қилиниб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.*

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»<sup>1</sup>ги Қонунига биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари эса, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилини-шини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксал-тириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этили-ши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш, ҳуқуқбузарликдан жабр-ланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабр-ланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилак-тикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан <sup>2</sup> иборатдир.

Шу бидан бирга, ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари баён этилган бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлардан бири - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидир. Хусусан, бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани<sup>3</sup>, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти янада ошишига сабаб бўлмоқда ҳамда ушбу фаолиятни амалга оширишда ички ишлар органлари муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, аҳоли турар жойларида кўп қиррали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти айнан профилактика инспекторларининг фаолиятдан бошланади<sup>4</sup>, профилактика инспекторлари эса, ички ишлар органларининг қўйи тизими ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзаллик-лари: *биринчидан*, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгалиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгалиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади<sup>5</sup>.

Одатда, ички ишлар органлари ўзларининг ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси фаолиятини аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси тўғрисида»<sup>6</sup>ги Қонунига биноан, ҳуқуқбузарлик-ларнинг умумий профилактикаси кўринишида амалга оширадилар. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профи-лактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик-ларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаолиятidir.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига илмий жамоатчилик томонидан бир қанча таърифлар берилган. Масалан, М.Ю. Кержнер ва

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Мартыненко О.А. Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины: Монография. – Х., 2005. – С. 39.

<sup>4</sup> Ермаков А.Г. Подготовка участковых уполномоченных полиции в вузе МВД России к профилактической работе с населением: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Санкт-Петербург, 2011. / [Эл. манба]. - ҚКҚ: Шр://№№№.Ш88егса1сот/соп1еп1 (мур. вақти: 26.05.2022).

<sup>5</sup> Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: дарслик. - Т., 1996. – Б. 173.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

Ғ.Т. Абдуллаходжаевлар умумий профилактикага «давлат миқёсида ташкил этилади ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади»<sup>7</sup> деб қайд этганлар. Н.Б. Қурбонов, жиноятчиликнинг умумий олдини олиш деганда, жиноятчиликка қарши курашишнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа институтларини ривожлантириш, инсонларни маънавий-маърифий камолоти учун шароит яратиш, жиноятчиликни келтириб чиқарадиган турли сабабларни аниқлаш, жиноятчиликни юзага келтирувчи шароитларнинг зарарли таъсирини олдини олиш назарда тутилади<sup>8</sup> деб таъкидлайди.

Бошқа манбаларда эса, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси деганда, профилактика субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти<sup>9</sup> тушунилиши таъкидланган.

Қайд этиш мумкинки, ушбу билдирилган фикрлар ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг барча жиҳатларини ўзида ифодаламайди, яъни, ушбу профилактика турининг барча ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари очиб берилмаганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бизнинг назаримизда Қ.Р. Абдурасулованинг, умумижтимоий профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга, бошқа ғайриижтимоий қилмишларга қарши курашишга, фуқаролар ва мансабдор шахсларни қонунга хурмат руҳида тарбиялашга, ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирларни қамраб олади»<sup>10</sup> деб берган таърифи кенг ва мукамалдир.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахс ёки кенг жамоатчиликка нисбатан ғайриижтимоий ҳуқуқ-атвор ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этилиш усуллари ва шакллари, виктимологик омилларнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғибот қилиш ва огоҳликка чақиришдан иборатдир. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида бир қанча ижтимоий муносабатлар субъектларига профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эгаллиги ва вақтни тежаш имкониятининг мавжудлигини, кам куч ҳамда маблағ сарфланишини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндошилишини ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг

<sup>7</sup> Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 170 (539).

<sup>8</sup> Қурбонов Н.Б. Одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятида жавобгарлик масалалари (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари). юрид. фан. ном. дис. – Т., 2005. – Б. 139–140 (180).

<sup>9</sup> Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 192–194; Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси психологияси: Дарслик / Ё.А.Фарфиев, М. З.Зиёдуллаев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 7.

<sup>10</sup> Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б. 104 (305).

умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари сифатида қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўтказиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишдан иборат.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин<sup>11</sup>.

Қайд этиш ўринлики, одатда, амалга ошириладиган ҳар бир чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва муваффақияти бевосита уни ўтказиш асослари ҳамда тартибининг аниқ ва мукамал белгиланганлиги билан боғлиқ бўлганидек, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари ҳам худди шундай асос ҳамда тартибга эга бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ички ишлар органлари бевосита иштирок этадилар ва ишлаб чиқилган дастурлар тегишли раҳбарият томонидан тасдиқланганидан сўнг, ушбу дастурларни амалга оширишда яъни, ижро этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ҳамда ташкилотлари, унда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Ички ишлар органлари мазкур дастурларни ишлаб чиқишда жорий йилдан олдинги йиллардаги ҳуқуқбузарликларнинг аниқ ҳисобот-таҳлил ишлари натижаларига асосланиб ва ҳудудлардаги криминоген вазиятларни ҳисобга олиб, келгуси йиллар учун ишлаб чиқиладиган дастурларда содир этилган, содир этилиш эҳтимоли юқори ҳуқуқбузарликларга асосий эътиборни қаратишлари ҳамда бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик масалаларини ҳам кенг доирада қамраб олинишига алоҳида аҳамият беришлари мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган фирибгарлик ҳолатлари ортиб бораётганлигини қайд этишимиз мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, бошланадиган давр учун ишлаб чиқиладиган дастурларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур умумий чора-тадбирларини ҳисобга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан яна бири бу – аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўтказишдир. Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарликлар

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>

профилактикаси соҳасида аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий тарғиботнинг мақсади жамиятдаги ижтимоий муносабатлар субъектларининг хусусан, аҳолининг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалаларнинг мазмун ҳамда моҳиятини уларга етказиш, шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишдир. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналиш-ларидан биридир. Яъни, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустақамлаш орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб, ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб, уларда қонунларга ҳурмат руҳининг ўсиши келгусида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг бир мунча камайишига олиб келади. Бу эса, ички ишлар органларининг келгуси хизмат фаолиятида ўзининг ижобий натижасини беради.

Айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда халқаро андозаларга мос миллий қонунчилик асосларини такомиллаштириш билан бирга, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилаётганлиги айни ҳақиқатдир. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда эса, ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ҳуқуқий тадбирлар ташкил этиши, бошқача айтганда, қонунчилик тарғиботини кучайтириши муҳим аҳамиятга эгадир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, Конституция ва қонунларга ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат органлари, хусусан ички ишлар органларида ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ<sup>12</sup>. Шунингдек, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифадир<sup>13</sup>.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалтиришга мустақилликнинг илк даврлариданоқ жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбиясини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»<sup>14</sup>ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомил-лаштириш тўғрисида»<sup>15</sup>ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси» тасдиқланди. Хусусан, ички ишлар органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид вазифаларни

<sup>12</sup> Каримов И.А. Хавсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 146.

<sup>13</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 53.

<sup>14</sup> ЎзР Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги 466-1- сон (29.08.1997 й.) Қарори // ЎзР Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 1997. – № 9. – 227-м.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

бажаришида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Хусусан, ҳуқуқий маданият қонунчилик, фуқаролар ҳуқуқий кафолатини таъминлаш баробарида давлат аҳамиятига молик сиёсат бўлиб<sup>16</sup>, ушбу ҳолат жамият ижтимоий ҳаётида ҳуқуқбузарликлар ҳолатига таъсир этувчи криминоген омиллардандир.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий тарғиботни самарали бўлишида уни амалга оширувчи субъектларнинг шахси, яъни уларнинг назарий-ҳуқуқий билими, фикрлаш доираси, ҳулқ-атвори, амалий тажрибаси, ҳозиржавоблиги, нотиклик санъати, оилада, жамоада, маҳаллада тутган ўрни ва обрўси ҳамда маънавияти муҳим ўрин тутади. Қайд этилган фазилатларга эга бўлган тарғиботчигина атрофдагиларнинг хоҳишини ва қизиқишини кучайтириши, рағбатлантириши, кишилар онгига ниманидир сингдиришга эришиши мумкин. Шу билан бирга, тарғиботчи-аудиторияда лидерликни қўлга олиб, иштирокчиларни мисол ва далиллар билан ишонтириши, уларни ўз ортидан эргаштира олиши лозим. Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширувчи субъект мазкур вазифага масъулият билан ёндошмаса, иштирокчилар унинг ўзига ҳам сўзларига ҳам эътиборсиз бўладилар. Оқибатда, амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғибот фақатгина ҳисобот учун бошқача айтганда, «юзаки» «хўжакўрсинга», амалга оширилган бўлиб қолади. Хусусан, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов «Жамиятнинг демократия йўлида жадал ривожланиши ва бу борада амалга ошириладиган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»<sup>17</sup>, деб таъкидлаган эдилар.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан яна бири бу – *ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишдир*. Ички ишлар органлари ҳам давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларига тақдимномалар киритиш ваколатига эга бўлиб, бундан кўзланган мақсад келгусида шу каби ҳолатларни содир этилишини олдини олишдир.

Ички ишлар органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари тўғрисидаги ишлар бўйича ҳудудларда уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш юзасидан тегишли тартибда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда фуқаролик жамияти институтларига тақдимномаларни ўз вақтида доимий киритиб бориши ва содир этилган ҳар бир ҳолат бўйича кенг жамоатчилик орасида атрофлича муҳокамалар ташкил қилиниши ҳам келгусида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинишига сезиларли даражада хизмат қилади албатта.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг усул ва шакллари, профилактика чора-тадбирлари мазкур фаолиятнинг мазмунини ташкил этади. Бу борадаги билимлар ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишини

<sup>16</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т., 1998. – Б. 279.

<sup>17</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т., 1998. – Б. 279.

кафолатлайди. Шунингдек, ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини англатиш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, кенг жамоатчиликка ҳуқуқбузарлик ва уни содир этган шахсларнинг ижтимоий хавфи, ҳуқуқбузарлик содир этиш усул ва воситалари ҳақидаги маълумотларни етказиб, ўзини – ўзи ҳимоя қилишларига эришиш ҳамда ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш билан бирга, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини таъминлаш жамият ижтимоий ҳаётининг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

